

НИЗСМЎЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



ЎШ МУСАВВИР

(Методик қўлланма)



ТОШКЕНТ – 2016

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество проданных

выдач

10.11.2020

15.02.2021

85,
с. 65.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЁШ МУСАВВИР

(Методик қўлланма)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
АХБОРОТ РЕСУРС МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ – 2016

0912

Crease

Тузувчилар:

Х. Султанов, Д. Адилова, С. Исломова

Мухаррирлар:

Б. Тўхлиев – филология фанлари доктори, профессор
С. Абдирасилов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Б. Бойметов – педагогика фанлари номзоди, профессор
Н. Абдуллаев – миллий rassomlik ва дизайн институти доценти

Ушбу методик қўлланмадан АЛ ва КХК ва Олий таълим муассасалари тасвирий ва амалий санъат ўқитувчилари ва тўғарак раҳбарлари фойдаланиш имконияти мавжуд.

Қўлланмада талабаларнинг бадий-ижодий фаолиятини ташкиллаштиришнинг долзарб муаммолари ёритилган бўлиб, тўғараклар учун бадий ижодкорлик дастурлари ишлаб чиқиш ва ун амалиётга тадбиқ этиш баён қилинган.

Методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” таълим йўналиши тўғарак машғулотларида ишланган мустақил бадий тажрибаларига таяниб жамланган.

Мазкур методик қўлланма ИДТ А-1-118 рақамли давлат гранти лойиҳаси доирасида бажарилган.

Ушбу методик қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув услубий Кенгашининг 2016 йил 12 майдаги № 11- сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, унинг муносиб маънавий олам эгаси бўлиб камолга етишиш муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда илм-фан, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларининг жадаллик билан ривожланиши барча таълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб этмоқда. Таълим ва тарбия жараёнлари ўқувчи-ёшларимизнинг онгли фаолиятини тўла қамраб олиши зарур. Президентимиз таъкидлаганидек, “...мактаб, лицей ва коллежларда болаларимиз онгини юксалтириш, уларни ижобий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли таъкилот ва тўғараклар тузиш керак. Улар ёшларни ўзлигини аниқлашга, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиши, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим”.

Тўғаракларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, у тўлиқ ихтиёрийлик асосида тўғарак иштирокчиларининг ташаббус ва қизиқишларига кўра ташкил этилади. Унда мажбурлаш, зўрлаш тўғаракнинг асл моҳиятини йўққа чиқаради.

Психолог мутахасислар тўғаракнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур бўладиган руҳий-маънавий ҳодиса ва ҳолатлар таъсифини беришган. Бунинг учун дейлик, “Тўғарак сиз учун кўпроқ инмаси билан қизиқарли?” деган савол қўйилади. Бу саволга тўғри ва ҳолис жавобни олиш тўғарак фаолияти ҳақидаги ҳақоний таъсирларнинг шаклланишида имкон беради. Шунингдек, уларнинг биланларини чуқурлаштириш ҳамда амалиётга таъбиқ этиш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш, тақомиллаштиришга хизмат қилади. Бундан ташқари талабалар ўртасида ҳамкорлик муҳитини шакллантириш, ўз фаолиятини тўғри ташкил этишга ўргатиш, мунтазам равишда фан янгилликларини билиб бориш, мустақил ва ижодий иш кўникмасини ўзлаштириш имконини беради.

Тўғаракка қўшимча адабиётлар билан эркин ўз ташаббуси ва ихтиёри асосида шугулланиш имконияти кўпроқ бўлишини эътироф этиш керак. Бу талабаларда ўзи қилаётган ишдан қаноат ҳосил қилишга, ундан завқланишга олиб келади. Кўтаринкилик, янги ва яхши иш қилишга бўлган иштиёқ тегишли қизиқишлар билан биргаликда талаба шахсининг шаклланишига, ундаги қатор ижобий фазилятларнинг мунтазам тарзда ривожланиши ва камол топишига олиб келади.

бадий таълим жараёнининг энг асосий вазифаси саналади. Тасвирий санъат

шахсга ўзига хос бадий образли воситалар билан таъсир килувчи, ундаги ижодкорлик хислатларини ривожлантирувчи улкан тарбиявий имкониятларига эга бўлиб, булар:

- талабалар ва ўсмирларнинг борлиқни яхлит тасаввур қилиш хиссиётларини шакллантириш;

- ўзлигини англаш ҳисларини шакллантириш;

- миллий тарихий маданиятимизни кадрлашга ўргатиш;

- маънавий етуқлигини ошириш;

- ўз ҳудуди, республика ва умумжаҳон санъати ва анъанавий миллий кадриятлари билан таништириш;

- талабани қўшимча билим олишга қизиқишининг ривожланиши;

- тенгдошлари, катта ёшдаги юқори курс талабалари билан ўзаро киришиб кетишга мўлжалланган ижтимоий мослашувчанлик;

- ижодий имкониятларнинг кенгайиши, муомала маданиятининг ривожланишига туртки бўлади.

Тўғрақлардаги таълим жараёнини тапсил қилишнинг ўзига хослиги (амалиётга мўлжалланган ишларнинг кўпчилиги талабаларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш, дунёқарашини кенгайтириш, санъат ва маданият соҳаси бўйича янгилеклардан хабардор қилиш, мулоқот қилиш тажрибасини бойитиш, ҳамкорликдаги ижодий фаолиятини кучайтиришга мўлжалланган умуммаданият даражасидаги дастурларни қўллашга имконият яратади.

“ЁШ МУСАВВИР” ИЖОДИЙ ТўҒАРАГИНИНГ МАҚСАДИ
Ҳозирги глобаллашган, ташқи маънавий таҳдидлар кучайган, ахборот технологияларнинг ривожланиши, мобил телефонлар имкониятларининг ошиб бораётганини ёшларга билим олиши учун қулай шароитлар яратиш билан бир қаторда зарарли одатларнинг кўпайишига ҳам олиб келмоқда. Улар ҳар бир муаммонинг ечимини интернет сайтларидан қидириб, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишмоқда. Бу ҳозирги ёшларни маънавий етук шахс сифатида тарбиялашдаги асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун тўғрақларга ёшларни жалб этиш ва қизиқтириш педагогларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Узлуқсиз таълим тизимидаги ўқувчи ва талаба-ёшларнинг истеъдоди, қобилиятини ривожлантириш, тасвирий санъат орқали юксак маънавий шахсни шакллантириш талабалардаги ижодий салоҳиятни кўтариш билан бирга юқори малакали ва маҳоратли ижодкор истеъдодли ёшларнинг иқтидорини юксалтириш ва уларнинг амалий ва тасвирий санъатга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

“ЁШ МУСАВВИР” ИЖОДИЙ ТўҒАРАГИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Талабаларнинг тасвирий санъат воситасида тўлақонли ва ҳар томонлама чуқур маънавий тарбия олишлари учун тўғрақ вазифаларини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек талабалар бу машғулотларда ўз ижодий имкониятларини сиёаб кўриш, билимларини бойитиш имкониятига ҳам эга бўлишади. Талабалардаги шахсий қобилиятлар ёрқинроқ намоён бўлади ва белгиланган вазифалар қўйидагича режалаштирилади:

- миллий анъаналар урф-адатларига хос тасвирий ва амалий санъат асарлари яратиш, миллий рассомлар ижодини ўрганиш, улардан таъсирланиб яратган ўз асарлари воситасида Ватанга садоқат, бағрикенглик ва инсоний фазилятларни шакллантириш;

- Республика, шаҳар, университет миқёсида ўтказиладиган санъат фестиваллари ва кўрик-танловларида иштирок этиш бўйича талабаларнинг ижодий кўникмаларини шакллантириш ва фаол иштирок этишларига кўмаклашиш, ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини ривожлантириш;

- тасвирий санъат фанига таалуқли олимпиадаларда иштирок этиш учун тайёргарлик кўришга ёрдамлашиш;

- тижёвандлик ва ОИТСга қарши ўтказиладиган конкурсларда ижодий плакатлари билан қатнашиш;

- тасвирий санъат асарлари орқали ёшлар орасида она заминга, мустақиллигимизга бўлган муҳаббатни кучайтириш, уларни маданий меросимизни, халқимизнинг урф-одатларини асраб авайлаш руҳида тарбиялаш;

- талаба-ёшларни мустақил ва ижодий фаолиятга йўналтирувчи ташаббускорлик, ижодкорлик ва бунёдкорлик ғоялари руҳида тарбиялаш;

ТЎТАРАК ДАСТУРИНИ БАЖАРИШ НАТИЖАЛАРИ

Талабалар фаолиятини кузатиш, талабалар ижодиёти кўргазмасида анкета орқали, талабалар ва уларнинг ота-оналари билан оғзаки сўровлар ўтказиш уларнинг ижодий ишларини таҳлил қилиш, баҳолаш жараёни орқали қўйидагича амалга оширилади.

-берилган вазифани бажаришда ҳар хил усуллардан фойдаланиб моҳиятини очиб бериш;

-ўзига хослик;

-материалда ишлашдаги нозиклик;

-ишни тоза ва аниқ бажариш;

-муаллифнинг ўз ишига муносабати каби мезонларда баҳоланади.

Талабалар билан ишга тайёргарлик жараёни ўқув жараёнидан аввал бошланади. Тўтарак раҳбари томонидан бадий ижодкорлик машғулотларининг асосий мавзуларини умумий иш режага мослаб ишлаб чиқилади. Аввалдан кўргазмали қуроолар, методик материаллар, қўшимча адабиётлар, ижодий ишлар намуналари, тасвирий санъат материаллари ва аслахаларини тайёрлаб қўйилиши керак. Тўтарак фаолиятига оид дастлабки дастур талабаларнинг ёш қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда (тасвирий санъат, амалий безак санъати ёки бадий меҳнат) бир неча хил вариантларда тузиб чиқилади.

Тўтаракнинг биринчи иш кунинда талабалар қизиққан нарсалари ҳақида, тўтаракда қандай машғулотлар ўтиши, унда ишлатиладиган материаллар, тўтарак аъзоларининг ютуқлари ҳақида маълумотлар бериб, хоҳловчиларни аъзоликка қабул қилиб "очиқ эшиклар кунини" ўтказиш мақсадга мувофиқ. Тўтаракда машғулотлар ҳафтасига 2-3 марта 4 соатдан бўлиб, катнашувчилар сони 15тадан ошмаслиги керак.

Машғулотлар махсус хоналарда, яхши ҳаволи кунларда ташқарида очиқ ҳавода ўтилиши мумкин. Машғулот ўтказиладиган хона ҳаво алмашиб турадиган, яхши ёритилган бўлиши керак. Унда стол, стул, мольбертлар, стендлар ёки кўргазмали қурооларни илб қўйиш учун махсус қурилмалар бўлиши, асбоб-анжомларни, тайёр ишларни сақлаш учун шкаф бўлиши лозим. Хона қандай бўлишидан қатъий назар раҳбар уни сув учун чиройли банклар, парда, кўргазмали қуроолар, репродукциялар, китоблар ёрдамида шинам қилиб қўйиши мумкин. Мўйқалам, бўёқ бошқа материаллар учун албатта тоқчали шкаф бўлиши лозим. Кейинчалик англашимовчилик бўлмаслиги учун ҳар бир тугалланган ишга муаллиф исми шарифи,

бажарилган кунни ёзиб қўйилади. Бу кўргазма уюштирилган вақтда ҳам қўл келади. Жамоавий ижод қилиш жараёнида (деворий газета, плакат, реклама паннолари ишлаш) столларни қўйиш ҳам катта аҳамиятга эга, уларни бир бирига қараб қўйиш керак, шунда столнинг икки томонидагилар бир-бири билан мулоқотда бўлишлги, сув идишлари, бўёқлардан биргаликда фойдаланишлари мумкин бўлади. Ўртада бўёқлар ва сувли идишлар қўйилади, бўёқлардан ҳамжихатликда фойдаланиш ҳар хил курслардан келган талабаларнинг бир-бири билан мулоқотга киришиб кетишига ёрдам беради. Агар битта столнинг икки томонига ўтиришнинг имкони бўлмаса, талабалар юзма-юз ўтиришлари учун иккита столни бир-бирига қаратиб қўйиш ҳам мумкин.

Хона ва залларни безаш учун имкон қадар талабалар ижодий ишларидан фойдаланиш керак. Айнан улар ишларининг амалий аҳамияти ҳақида таъкидламоқ, талабалар ижодий фаолиятларидаги фаолликларининг ошишига асос бўлиб хизмат қилади. Семестр охирида тўтарак аъзолари ишларидан ҳисобот кўргазмаси ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳар бир ишда иш номи, муаллиф исми-шарифи, бажарилган вақти қайд этилган ёрлик бўлиши зарур. Кўргазмани ташкил этишнинг энг маъсулиятли даври бу унинг асосий ғоясини, кўргазманинг номини аниқлаш ҳисобланади. Бунда барча аъзолар қатнашиб, ўз фикрларини айтиши мумкин. Кейин кўргазмани ташкил этишдаги ташкилий ишларни аъзолар ўртасида ўзаро бўлиб олиш керак. Энг яхши ишларни есдалик совғалари қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади.

ТЎТАРАК ДАСТУРИНИНГ УСЛУБҲҲ ТАЪМИНОТИ

Талабаларнинг композиция фани бўйича билимларини янада чуқурроқ ўзлаштиришларида ўқитишнинг илгор ва замонавий технологияларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларини татбиқ қилиш мумкидир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар ва маъруза матнлари, электрон адабиётлар ва тасвирлар, электрон материаллар, тасвирий санъат атрибутларидан тўла фойдаланилади. Ётуқ ўзбек ва хорижий тасвирий санъат усталарининг жаҳон миқёсида тан олинган санъат асарлари намуналари, ҳамда методик жиҳатдан мукамал репродуктив ишлари; замонавий компютер технологияларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар ташкил этиш; постановкаларни ташкил этишда фойдаланиш. Буюк санъат усталари ва уларнинг ижод